

САЙЛОВ – ДЕМОКРАТИЯНИНГ АСОСИЙ БЕЛГИСИ

Дилноза Орзикуловна Норбоева

Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти талабаси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада юртимиздаги амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, янги сайлов тизимини ташкил қилишдаги амалий ишлар ёритиб берилган. Мақолада янги сайлов кодексига тўхталиб ўтилди.

Калит сўзлар: сайлов, демократия, ҳаракатлар стратегияси, кодекс.

ELECTIONS ARE THE KEY SIGN OF DEMOCRACY

Dilnoza Orzikulovna Norboyeva

Student of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region

ABSTRACT

This article highlights the ongoing large-scale reforms in our country, the practical work on the organization of a new electoral system. The article focused on the new electoral code.

Keywords: elections, democracy, action strategy, code.

Сайлов – бу биз кураётган ҳуқуқий демократик давлатнинг узвий бир қисми, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, давлат ва жамият бошқарувида фаол иштирок этишининг асосий шаклидир.

Ислон Абдуғаниевич Каримов

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти,
Давлат арбоби

КИРИШ

Ўзбекистон тарихида янги тараққиёт йўли белгилаб берилган Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинганлигига уч йил тўлди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида яқин беш йилликда

мамлакатимиз забт этиши назарда тугилган улкан довлонлар, халқимиз ҳаёт даражасини юксалтиришнинг замонавий механизмлари аниқ белгилаб берилган.

Мазкур муҳим ҳужжат замирида Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини тубдан ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама жадал ривожланишини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришдек эзгу мақсад мужассам.

Ҳаракатлар стратегияси жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги, хусусан, миллий сайлов тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларда муҳим дастурул амал бўлиб хизмат қилмоқда. Ўтган уч йилда тизим тубдан ислох қилинди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Фуқароларнинг сайловга доир ҳуқуқларини амалга оширишга оид механизмларни такомиллаштиришга қаратилган Сайлов кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси, унинг ижросини таъминлаш Президентимизнинг 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” Давлат дастурини тасдиқлашга доир Фармонида аниқ белгилаб берилди. Дастурга биноан, Марказий сайлов комиссияси Раиси раҳбарлигида Олий Мажлис палаталари, Адлия вазирлиги, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари, олимлар, экспертлар иштирокида ишчи гуруҳи тузилди.

Кодекс лойиҳасини тайёрлаш жараёнида ишчи гуруҳи томонидан ўнлаб давлатлар, жумладан, Франция, Нидерландия, Канада, Италия, Швеция, Бельгия, Польша, Албания, Беларусь, Озарбайжон, Туркия каби мамлакатлар тажрибаси ҳамда ушбу соҳадаги халқаро стандартлар пухта ўрганиб чиқилди. Сайловга доир ўндан ортиқ халқаро ҳужжатлар атрофлича таҳлил қилиниб, уларнинг асосий ғоя ва стандартлари лойиҳа нормаларига чуқур сингдирилди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт, ЕХХТнинг инсонийлик мезонлари тўғрисидаги ҳужжатлари шулар жумласидандир. Кодекс лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасини ташкил этиш мақсадида 2018 йил 19 июлда Олий Мажлис палаталари томонидан Марказий сайлов комиссияси билан биргаликда Амалий ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланди. Унга мувофиқ, лойиҳа беш турдаги муҳокама ва

экспертизадан ўтказилди. 18 боб, 103 моддадан иборат ушбу Сайлов кодекси Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2019 йил 25 июнда имзоланди ва кучга киритилди. Бунда, аввало, сайловга оид мавжуд бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари яхлит ҳужжатга жамланди. Пировардида эса қонун нормалари билан сайлов жараёнларида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этилиши, сайловчиларда эркин иштирок этиши учун зарур шарт-шароит яратиш, депутатликка, Президентликка номзод кўрсатадиган сиёсий партиялар ва номзодларга сайлов кампанияси давомида тенг шароит яратиш имконияти янада мустаҳкамланди. Сайлов кодекси кучга киритилиши муносабати билан ўттизга яқин қонун ҳамда қонуности ҳужжатлари ўз кучини йўқотди. Илгари сайловларни ўтказиш тартиби алоҳида-алоҳида норматив ҳуқуқий-ҳужжатлар билан тартибга солинган эди.

Ушбу кодекси билан Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш тартибини белгилаб берилди. Қонун билан сайловларда ҳар бир фуқаро бир овозга эга эканлиги, эркин ва яширин овоз берилиши, сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмаслиги, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш очик ва ошқора амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилди.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Сайлов кодекси билан сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссиялари фаолиятини ташкил этиш тартиби белгиланди.

Унга мувофиқ, Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказиш учун 150 та ҳудудий сайлов округи тузилади. Илгари 135 та округ тузилган ва 15 нафар депутат Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган. Эндиликда Ўзбекистон экологик партияси ташкил этилганлиги боис, мазкур партия депутатликка ўз номзодларини умумий сайловларга қўйган ҳолда Қонунчилик палатасидан ўрин эгаллаши мумкин.

Кодекс билан кузатувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакилларининг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланди.

Жумладан, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайлов жараёнини ёритиш, овоз бериш биноларида, шу жумладан овозларни санаб чиқиш чоғида ҳозир бўлиш ҳуқуқига эга.

Шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда Президентимизнинг 2018 йил 4 октябрда қабул қилинган

“Сайлов жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори миллий сайлов тизимига Сайлов жараёнини бошқаришда ахборот тизими ва Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини жорий қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратишда муҳим омил бўлди.

Хусусан, Сайлов жараёнини бошқариш бўйича ахборот тизими (СЖБАТ) жорий этилиб, Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати (СЯЭР) шакллантирилди. Ушбу тизим 2019 йил 22 декабрь куни мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий кенгашларга “Янги Ўзбекистон – янги сайловлар” шиори остида ўтган сайловларда муваффақиятли қўлланди. Жумладан, фуқароларни участка сайлов комиссияларига тақсимлаш, сайловчиларни ўзи яшаб турган жойга алоқадор участка ҳақида маълумот олиши ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари фаолиятини осонлаштиришда муҳим ўрин тутди. Айниқса СЯЭРнинг халқаро андозалардаги “бир сайловчи — бир овоз” тамойилини амалга оширишдаги ўрни бекиёсдир.

ХУЛОСА

Миллий сайлов тизимида изчил ва тизимли равишда амалга оширилаётган бундай ўзгаришлар кўлами ва салмоғи, албатта, амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда ўз ўрнига эга. Жорий йилда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловлар сайлов тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг нечоғлик муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республика Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги Фармони. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон)
2. Ислон Каримов Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш-энг олий саодатдир. Тошкент. "Ўзбекистон", 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов Кодекси., 25.06.2019-й., (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.06.2019 й., 03/19/544/3337-сон)
4. Hojiyev R. V., Adilov Z. Y. (2017) The source of developing intellectual ability. Молодой ученый, №22 (4), С. 389-393.
5. Хажиева, М.С., Хажиев, Р. Б. (2015) Роль молодёжи в реализации социальной активности толерантности. Журнал научных публикаций аспирантов и докторантов. №2, 30-32.

6. Khodjiev, R.B. (2015) The Conceptions on Developing Student Youth Social Activity. *Austrian Journal of Humanities and Social Sciences*, №1-2, P. 52.
7. Икрамов Р.А., Хожиев Р.Б. (2020). Воспитание гармонично развитого поколения является приоритетом государственной молодежной политики. *Вестник науки и образования*. № 14 (92). Часть 1. С. 88-90.
8. Maksuda Khajieva, Rasulbek Khajiev (2015). The Role of the Tolerance in Society and its Philosophical Interpretation. *Young scientist*. Vol. 2. P. 159-161.
9. Umid Abdalov, Rasulbek Hadjiyev (2015). The Role of Community in the Development of Society of Citizenship. *Young scientist*. Vol. 2. P. 107-109.
10. Makhmudova, N.D., Hojiyev R.B. (2014). The scientific inheritance of great ancestors who worked in the mamun Academy. *Сборники конференций НИЦ Социосфера*. Issue 45, С. 34-35.
11. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Хусайн воиз кошифийнинг гуманистик фоялари. *Сборники конференций НИЦ Социосфера*. С. 148-150.
12. Хажиева, М.С., Хожиев Р.Б. (2014). Толерантлик ва унинг хусусиятлари. *Сборники конференций НИЦ Социосфера*. С. 39-40.
13. Атажанова, Р. Р. (2020). Рабочая тетрадь по изобразительному искусству как средство повышения креативного мышления самостоятельной работы учеников в младших классах. *Academic Research in Educational Sciences*, 1(2), 201-204.
14. Халилов Р. Ш., Атажанова Р. Р. (2018). Использование рабочей тетради в обучении изобразительной деятельности в начальном классе. *Молодой учёный*, № 7 (193). 196-199.
15. Атажанова, Р. Р., & Атаева, Н. Р. (2020). Роль изобразительной деятельности во всестороннем развитии дошкольников. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 450-454.
16. Rakhimovna, A. R. (2020). Art workbook as a means of improving the efficiency of independent work of pupils in younger classes. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences*, 8 (5), 54-56
17. Норбоева, Д. О. (2020). Фукаролик жамияти – демократия кўзгуси. *Academic Research in Educational Sciences*, 1 (4), 460-467.
18. Норбоева, Д. О. (2021). Аёл – оила курфониинг куриқчиси. *Academic Research in Educational Sciences*, 2(2), 101-106.